— Голландия уруғи ниҳоят даражада сифатли, юқори ҳосили, тўла ушиб чиқади. Маҳсулотлари бир текис, гўл кўрилади. Масалан, кузда экилган карами 16—18 даража совуққа ҳам чидамли. Баҳорда ҳосили йиғиштириб олинади. Бундаги карам навлари эса нари борса 7—8 даража совуққа чидайди, холос. Яқинда юқорида қайд этилган фирма билан икита хўжалиқда сара сабзавот етиштириш юзасидан шартнома тузилди. Голландиянинг мўл, арзон ва сифатли сабзавот етиштиришдаги замонавий технологияси булчига манзур. Хусусан, карам, баклажон, булғор қалампир кўчатлари маҳаллада экилади. Бугун мавсум мобайнидаги барча жароён маҳсус ихтисослашган техника ёрдамида амалга оширилади. Яна бир муҳим жиҳати: кўчат полиетиленсимон туякчаларда етиштирилади ва шу туякчалар билан бирга экилади. Бунда ўсимлик ялдини шикастланмайдиган, экилганга кейин 5—6 кунгача ниҳол учун нам, озуқа етарли бўлади.

Сўнгги йилларда помидорнинг юқори ҳосили, шарбатдаги қуруқ моддаси 5—6 фоизни ташкил қиладиган ТМК-32, Новинка, Ракета, Утро навлари кўплаб майдонларга экилмоқда. Хусусан, Қўрғонтепа районидagi «Савай» давлат хўжалиғида бу борада эриштирилган натижалар диққатга сазовор. Чет эл тажрибаси ҳар томонлама ўзини оқлатмоқда. Бу ерда фақат яганалаш ва суюршиш кўл кучи билан бажарилади. Қолган барча юмушлар: қатор траларига ишлов бериш, озинлаштириш, жўш олиш механизация ёрдамида бажаришмоқда. Гектарига ўртача 75—80 минг туп кўчат жойлаштирилади, меваси консерва сановати талабларига тўлиқ жавоб беради. Утро нави меваси ўртача катталиқда, эртапишар, узоққа юборишга чидамли. Омадли йилда гектаридан ўрта ҳисобда 80 тоннагача ҳосил олинмоқда.

Ҳозирги кунда хўжалиқларимизда табақалаштириб экиш ва интенсив технология асосида экинларни парваришlash, помидор сифатини стандарт талабларига етказиб жаҳон бозори миқёсида савдо ташкил этиш мақса-

дида кўпгина хайрли тадбирлар ижро амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон ўзининг табиий иқлим шароити билан тоқорлардан мўл, ширин-шакар узум, саховатли боғлардан сархил мевалар йиғиштириб олиш учун гўл қўлай. Бахтга қарши бир вақтлар нотўғри сиват туфайли ажойиб тоқорларимизни қуритдик. Энди уларни тиклаш осон бўлмапти. Фидойи соҳибкорларимизга минг бор раҳмат. Улар маъмурийлик йўлида бор имкониятни ишга солишмоқда. Шу йилнинг ўзига жуда кўп хўжалиқларда янги мевазорлар, тоқорлар барпо этилди. Ҳатто пазана бўйли олма кўчатлари ўтказишга эътибор кўчарди. Бу борада Тошкент вилоятидаги «Огонёк», Шердер номли илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасининг тажриба хўжалиғи, Самарқанддаги Қозимов номли жамоа хўжалиқларида қўвончли натижаларга эришилди.

Республика хўжалиқларида боғ, тоқор ва сабзавот экинларни илгор технология асосида парваришlash, уларнинг ҳосилдорлигини таҳлил этиш шунинг кўрсаткичи, агар белгиланган қоида асосида илос билан иш юритилса мева, сабзавот маҳсулотлари ҳажмини бемалол 1,5—2 баравар ошириш мумкин. Шу йўл билан қайта ишлаш сановатига етарли маҳсулотлар етказиб берилади.

— Ҳар йил пешона тери эвазига етиштирилган мева-сабзавотнинг 30 фоизни нобуд бўлмоқда. Бунинг олдини олиш учун қандай чора-тадбирлар қўриломоқда?

— Республика Президентининг ҳаётбахш фармонлари шарофати туфайли қишлоқ меҳнаткашларига шу кунгача 530 минг гектар ер томоғига учун ажратилди. 453 гектар ойнаванд дала мавжуд. Булар ноз-неъмат етиштиришда муҳим омил бўлмоқда. Юқорида таъкидланганидек, узоқ йиллар мобайнида пахта яқвақонлигини бизни чеklang қўйди. Қайта ишлаш корхоналари етишмаслиғи сабабли қишлоқ хўжалиғи маҳсулотларини сақлашда жиддий қийинчиликларга дуч келинди. Эндиликда ҳам бу иш қўйилмайдиган деб бўлмайди. Аммо яхши томонга жиддий ўзга-


ришлар бўлмоқда. Ҳозирда республикада 1199,3 миллиондан ортиқ шартли банка консерва маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган қувватлар мавжуд. Хусусан, 660,7 миллион шартли банка помидор консерваси тайёрлаш имконига эгамиз. Мазкур йўналишда деярли барча районларда қизгин иш олиб борилмоқда. Андижон туманидаги Чўпон номли жамоа хўжалиғи Италия фирмаси билан ҳамкорликда томат тайёрлайдиган қўшма корхона бунёд этиди. Жондор туманидаги пизэ куриштириш цехи кўпчилик эътиборини тортиш мумкин. Демак, боғбону соҳибкорлар етиштирилган ноз-неъматни асраш, уни эл дастурхонига сифатли қилиб етказиб бериш муаммоси яқин йиллар ичида ҳал этилади.

Хўжалиқларда бўлганимизда қишлоқ меҳнаткашлари томоғига уларни иктомий жиҳатдан ҳимояlash, оила иқтисодини мустаҳкамлашда беқийс роль ўйнаётганини мамнуният билан таъкидлашмоқда. Улар эҳтижларидан ортиқ неъматни қабул пунктларига топширишмоқда. Қарс икки қўлдан дегайларидек, эрта кўкларда томоғачиларга сифатли сабзавот уруғлари сотилади. Ўғит, техникдан ҳам имконият даражасида қўмақлашмоқда. Ҳозир хўжалиқларимизда эртаги мева, сабзавот, картошка экинлари ҳосили пишиб етилмоқда. Хўжалиқлар маҳсулотларини йиғиштириб эл дастурхонига етказиб бермоқдалар. Сурхондарё, Фарғона, Тошкент, Самарқанд вилоятлари хўжалиқларида сабзавот тайёрлаш ахши бормоқда. Бироқ Хоразм, Сирдарё, Жиззах вилоятларида сабзавот, картошка ҳосилини йиғиштириб олиш суст кетмоқда.

Ўлкамизда пишиқчилик. Бугунгача республика хўжалиқлари 65 минг тоннадан зиёд турли хил сабзавот маҳсулотлари, 5 минг тонна мева, 1,5 минг тоннагача яқин картошка етказиб бердилар.

Умид қиламиз, яқин келаятган Ўзбекистонда Голландиянинг мўъжаз шакли яратилади. Президентимиз бу улуг ишга мустаҳкам замин яратдилар.

Сўхбатдош:
Мирғис ҚАЮМОВ,
«Қишлоқ ҳақиқати»нинг
маҳсус муҳбири.



Нишон туманидаги «Дустлик» ширкат хўжалиғининг Зиёдулла Жайлов бошқарувчилик қилаётган бўлиб сабзавоткорлари бу йил ички имкониятлардан унумли фойдаланишмоқда. Биринчи ҳосил — қарамдан яхши даромад олинди. Айни кунларда помидор, полиз экинлари парвариши намунали олиб бориляпти. Эриштирилган жўшларда Абдурашуловлар оилани зеносининг муносиб ҳиссаси бор.

СУРАТДА: тажрибали бригада бошлиғи, уста сабзавоткор Фарҳод Абдурашулов.

Ш. СУЛТОНОВ олган сурат.

ЁҚУТДЕК ТОВЛАНИБ

Фарғона туманига қарашли Усмон Юсуфов номлидаги боғдорчилик давлат хўжалиғида гилос узмиш қизғин бормоқда. Ҳар кун 2—2,5 тонна сархил мева Фарғона ва Марғилон шаҳар аҳолисига, кўплаб завод ва фабрика ишчиларига етказиб берилмоқда. Хўжалиқ боғбонлари мавсумда эл дастурхонига 14 тоннадан ортиқ гилос етказиб бериш ниятида.

ҚУР ЎЗБЕКИСТОН ДАСТУРХОНИГА

ҚАЛОВИНИ ТОПГАНЛАР

Косонсойлик ҳаммасибим билан осон кечмаётган бугунги кун, қийинчиликларини бартараф этиш борасида амалга оширилмаётган тадбирлар хусусида сўхбатлашиб ўтирдик.

— Қаловини топсанг, қор ҳам ёнади, деганлари тўғри экан. Қаранг, «Шарқ юлдузи» жамоа хўжалиғи бошқарувчиси Абдулҳаким Худойназаров ишдан виллоятдаги қўлгина удебурон раислар ҳам ўрнатилган арзийди. Ҳозирги иқтисодий қийин шароитда одамларнинг иқтимоий муҳофазаси қилиш йўллари излаб топиб, ҳар қарч ердан самарали фойдаланишга муваффақ бўляпти. Яқинда узумчилик нафақат Наманган вилояти, балки бутун Фарғона водийси учун оғир келган бултурги об-ҳавода йлғиз шу соҳадан рўзгор тибратётган хўжалиқнинг тизаси калтириб қоларди, — деди у.

Ун йилча илгари Чуст ва Косонсой оралиғидаги Дам массиви деб аталган бу жойда зог ҳам учмади. Нуқул қуллик ва сунгадек қотиб қолган ядрилдан иборат эди. Тажрибали мутахассислар бу арнинг ўзига хош табиатнинг тўғри ағлаб етишди. Узумчилик учун қўлайлиги ҳисобга олиниб, Қирғизистондаги Урта Тўхтай сув олбориридан об-ҳаво келтириди. Боғ яратилга киришилди.

Хўжалиқ ташкил этилгач, рақбар бир неча бор ўзгарди. Иш олдинга бормади. Рақбар ўлда-жўлда қолди. Эътиборсизлик оқибатида тоқорлар қисқарди. Моддий манфаатдорлик пасайди. Ун йил олдин жамоа аъзолари узоқ йиллардан бери бригадир, участка ҳосилоти ва бош ҳосилот лавозимига бўлган босқинларни ҳалол меҳнат билан босиб ўтган Абдулҳаким Худойназаровнинг ўзларига рақбар этиб сайланди.

Янги раис — ишчи хўжалиқни юртишининг чилгор усуллари жорий қилишдан бошлади. Мажбур тоқлар оила пурадагига ўтказилди. Ила бошида ва охирида ҳар туп токни қўсқолаб топшириш йўлга қўйилди. Қарабаски, боғнинг эгаси топилиди, даромадга бараке кирди.

— Илгари кўп мантисқиз ишлар бўлганди, — деб эследи Абдулҳаким ака. — Ичкилик-бозорлик қарши кураш шорни остида неча ўн гектар серҳосил тоқоримиз бузиб ташлангани етмагандай, битиш арафасида турган вино тайёрлаш корхонамиз ваёрон қилинди. Дастгоҳ ва ускуналари ташиб кетилди. Натيجا-

ЖАМОА МАМНУН

Олтариқда кириб бораётган ҳар бир киши йўлнинг чап томонидаги мевазор боғқа қараб «боғбонига раҳмат» дейди. Негаки, шаҳар чиқиндиси тўкиладиган жойда шундай боғ яратилди деб ҳеч ким ўйламаганди. Бундан 13 йил муқаддам шу ерга ишга келган Холмирза Маматқўшев чиниқхона атрофини ҳайдатиб мевали дароҳт кўчатлари экишга киришди.

Мана 6 йилдирки, Холмирза ака яратган боғ неъматидан Фарғона шаҳар «Автотормехбазаси» ишчилари баҳраманд.

У яна бир хайрли ишга қўл урди. Ердამчи хўжалиқ ташкил этди.

Холмирза ака шу билан чеklangган эмас. Чиниқхонада тамир-тармас аниқгина Х. Маматқўшев ҳар йили 40—50 тонна терм-тармақ йиғиштириб давлатга топширади. Фойдаси эса «Автотормехбазаси» ҳисобига ўтказилмоқда. Шу бонс Фарғона шаҳар хўжалиғи ун «Жигули» машинаси билан тақдирлади.

Н. РАҲМОНОВ.



Республика Президентининг ҳаётбахш фармони шарофати туфайли қишлоқ меҳнаткашлари томоғачили бўлишди. Улар сидиқиди тер тўкиб, оила аъзолари билан мўл сабзавот маҳсулотлари етиштиришмоқдалар. Тошкент районидagi Охунбоев номли жамоа хўжалиғи аъзоси Гулчехра Тўлагулова (суратда) боғнинг, сабзи, помидордан ҳар йили яхши даромад қилимоқда. Ҳалол меҳнат катта оиллага кўт-баракка, тўқилик олиб келди. Уста соҳибкорлар томоғачилида етиштирилган неъматларини пойтахтнинг Қорқоғиш деҳқон бозорига ҳам (суратда) сотмоқдалар. Бу ерда улар учун барча шароитлар яратилган.

Н. МУҲАММАДЖОНОВ олган суратлар.

Шу кунларда хўжалиқ меҳнаткашлари қизғин меҳнат билан банд. Табиий офат туфайли ўтган йилги ҳосил ҳиссасини ҳам етиштириш бови вазифа этиб белгиланган. 375 гектар тоқордан режадаги 3600 тонна ўзига 4 минг тонна узум олишга бел боғлашган. 70 гектар майдондаги янги боғ ҳам мева бера бошлагач, бу кўрсаткич 2—3 йилда 5 минг тоннадан ошиб кетади. Озиқ-овқат маҳсулотлари тақчиллигини эътиборга олиниб, йилдан-йилга галла ва сабзавот етиштиришга эътибор кўчатирилмоқда. Ҳозир 31 гектар майдонда картошка, 131 гектар бугўда, 25 гектарда сабзавот етиштирилган. 150 гектардаги мевали боғдан ҳам мўл ҳосил олиш режалаштирилган. Шу йилдан шолни етиштиришга киришилди. Кейинги йилларда чорвачилик ҳам аҳамият берилди. Бу эса хўжалиқдаги боғлар боғчаси, қариялар ва беморларни сўт билан таъминлашга ёрдам беришмоқда.

Ўлкамизга сахий ёз кириб келди. Далаларда, боғларда мева ва сабзавотлар бирин-кетин пишиб етилмоқда. Қалоқ қўли деҳқонлар, миришқор соҳибкорларнинг ҳалол меҳнати, ташаббускорлиги туфайли ширин-шакар неъматлар тобора кўпайиб бормоқда.

Бозорни эл дастурхонининг кўзуси дейишди. Дарҳақиқат, пентахталарда бори эл насибаси, тўқинлик ўлчови. Шарқ бозорлари, айниқса, Тошкент бозорларининг гавкумиллигини, тўқинлигини ҳайратланмаган киши кам бўлса керак.

Кунни кеча шойтахтманининг Олой бозорига бўлганимизда шундай жаннатмакдон ўлмада яшаётганимиздан фарҳанглик негдик. Таърифига шонлар сўз тополмайдиган ақил гилослару жаноқи олмадару болга тулган шадтолино ўриклар, помидору боғринг, карам, сабзи, пизэ, картошка... Қўйинчи, жондан бошқа ҳамма нарса бор.

Пулдинга бўлса бас. Энг сара, энг хуштама маҳсулотлардан истаганча сотиб олаверинг. Лекин ҳозирги бе-малол сотиб олишга ҳамма-нинг ҳам ҳамини дош беравермайди. Шунинг учун ҳам баъзилар аранорининг излаб, мева, сабзавот дўкноларига боришади.

Маълумки, бундан ўн йилча бурун аҳолини янги узилган мева, сабзавотлар билан узлусиз таъминлаш мақсадида жойларда хўжалиқларнинг ўз дўкнолари очилганди. Ҳатто бир хўжалиқнинг шаҳарнинг турли бурчаларида қатор савдо

лигига тегишли савдо шаўзимнинг елкамизга. Мана гилоснинг аҳолига бир қаранг.

Етмиш килограмм гилос сараланганда унинг 25 килограммдан ортиқ чиқитиб қетиши. Синчиқлаб қарасак кўпни ириб қолган. Биласак, бу гилослар анча олдин терилиб, ёмирида қолдиб кетган экан. Мана бизга сўтмага сотмоқда. Дўкнода эса 85 сўм баҳо қўйилди.

Шундан кейин биз кўплаб давлат, ижара, фирма сабзавот дўкноларини кўриб қетишди. Синчиқлаб қарасак кўпни ириб қолган. Биласак, бу гилослар анча олдин терилиб, ёмирида қолдиб кетган экан. Мана бизга сўтмага сотмоқда. Дўкнода эса 85 сўм баҳо қўйилди.

Олой бозорига сотилаётган картошка, пизанинг анчагина қисми Сурхондарёдан келтирилибди. Миришқорларга раҳмат! Шулар туфайли бир килограмм картошкани 100—150 сўмдан, пизани 50—70 сўмдан олаёмиз.

Аммо уларнинг кўпчилиги Тошкентга қайта келтулари йўқ. Сабаб?

— Мен, — дейди Соат Жумаев деган деҳқон, — Шўрчи районидagi Охунбоев номли қорхонада сувчима. Кузда томоғачи эртаги пизэ экин ойдим. Болаларим билан роса ишладик. Ол-лоғга шукр, ҳосил чакки бўл-мади. 10 сотих ердан 4 тонна пизэ олдим. Шунинг 3 тоннасини пойтахтга келтирдим. Бирроқ йўл ҳақи жуда қимматга тушиб кет-ляпти. Йўлда матмурий ило-ралар вакиллари тўхта-вериб, ҳўнжат талаб қила-вериб тинкамизни қуритиш-ди...

Узингиз қўриб турибсиз, сара пизэни 60—65 сўмдан сотаялман. Бунинг устига ётиш-туриш, ейиш-ичишга қанча пул кетаяпти. Агар деҳқон йўлга гов бўлиш-маса Тошкент бозорларини бундан ҳам тўқин, маҳсу-лот арзон бўлиши шубҳа-сиз.

Ўлкамизда пишиқчилик, Дастурхонимизга барака кир-моқда. Фидойи деҳқон пешо-на тери эвазига етиштир-ган неъматларни халқимиз-га эмин-эркин етказиб бери-ши учун сунъий тўқинлар, таъмагирик барҳам топ-иши керак.

БОЗОРДА СЕРОБ, ДЎКОНДА-ЧИ?

дўкноларида бўлди.

Мана пештоқига Қйрай тумани, «Маданият» қолхо-зи раиси А. Назаров, деб ёзилган дўкно олдидимиз. Эшикка қўлф урилган. Чанг, додан қорайиб кетган деразадан ичкарига қараймиз. Синиқ яшиқлар, тузалмалардан бўшган бочкалар қалаштириб ташланган. Афтидан бу ерга бир неча ойдан бери одам зоти қадам босмаган кўринади.

Ҳайратимизни кўрган бир аёл деди:

— Шу ерда ҳар кун ре-завор сотаман. Лекин шу учта дўкони ёлтириб иш-лаганини кўрганми йўқ. Ҳар замонда у, бу олиб ке-лишди. Аммо майда-чўйда, қуришган-буришган мева-сабзавотни кўриб харидор қайрилиб кетаверди.

Дарҳақиқат, «Маданият» қолхо-зи дўкони билан ёнма-ён жойлашган «Октябрь» қолхо-зи, лимончилик хўжа-

карим. Хом помидорнинг нархи 250 сўм деб ёнбо қўйилган. Пулниги ёнбо қизартириб олаверинг...

— Ҳозир мўл олиб келишди. Кеча яқинба бўл-ган учун узиммаганда. Эрталаб терилгани бординг, — деди дўкон мудири Жало-лиддин Раҳимбердиев.

Ҳақиқатан соат учларга яқинлашганда дўкно олди-га юк машинаси келиб тўхта-ди. Ичида 716 килограмм биринчи нав, 122-кило-грамм иккинчи нав помидор, 70 килограмм гилос бор экан. Биринчи нав, деб расмиёлаштирилган поми-дор бозордаги энг пачоқ по-лидингнинг ўзгаси. Шун-дай бўлса-да, одамлар но-илкоқ олинди. Ҳар ҳолда бозордагидан бироз бўлса ҳам арзон.

— Одамлар сара маҳсу-лот олам деди, — сўзинг давом эттирдиган дўкон мудири. — Қўйинча саралаб

эл насибасига муносабат!

Олой бозорининг қоқ ўр-тасида йирик, замонавий со-вўтичлар, зарур ускуналар билан таъминланган «Наврўз» мева-сабзавот дўкони бор. Чиройли териб қўйил-ган маҳсулотлар қўзини қа-маштиради. Сифати ҳам ёмонмас.

Бироқ айрим неъматлар-нинг нархи бозордагидан қиммат. Масалан, бозорда яхши гилос 300 сўм, дўкно-да эса 320 сўм. Агар деҳ-қон билан савдолашсангиз сифатли картошканинг бир килограмми 120 сўмга оли-шингиз мумкин. «Наврўз» дўконидаги тўрхалтага со-либ қадонлаб қўйилган со-лтошка эса майда-йирик ар-алаш, уринганлар ҳам бор. Шунга қарамай, уни ҳам 120 сўмдан камга олол-майсиз.

Пизэ ҳақида ҳам шундай дейиш мумкин. Деҳқон бир килограмм пизэни 80—70

вот дўкони бозор билан ра-қобатлаша олмапти.

Замин, об-ҳаво, иқлим бўлса-ю, бозорда яхши, дўкнода ақсини кўрсангиз! Йўқ, жамоа, давлат, ширкат хўжалиқлари ерларида ҳам сара маҳсулотлар етишти-рилади. Лекин уларни те-риб, аҳоли дастурхонига ет-казиб берилгунгача бўлган жараён назоратдан четда қоляпти. Назорат йўқ жой-да қингирикка йўл очила-ди. Яъни, сараси бозорга, пачоқи дўконга чиқаверади.

Фудойи деҳқонга раҳмат! У жамоат ишида ҳам, ўз томоғачисидан ҳам бирдай ишлади. Пешона тери бил-ла мўл ҳосил етиштириб бизга тортиқ этади. Лекин баъзан шундай заҳматкаш-ларга қўмак бериш, уларни рағбатлантириш, ўз меҳнати-ни натижадан баҳраманд бў-лишга қўмақлашги ўрни-га йўлга тўсиқ қўйилмоқ-да.

Карижон РИХСИБЕВ,
«Қишлоқ ҳақиқати»
маҳсус муҳбири.

Авлог камоли—Ватан жамоли

ҲАЁТ МЎЪЖИЗАСИ

Бир юзиде кунига 40 минг бола овқат етишмаслиги ва она сутига тўймаслиги натижасида келиб чиқадиган касалликлардан ҳалок бўлади. Америкалик олим Олдри Нейлор «Она сутга ва икки миллион бола ҳаёти» (1992 йил) китобида болалар ўрғасиди ўзларини қамайтиришнинг асосий йўлларида бири фақат кўрақ сутни билан эминлашди, деб таъкидлайди. Дарҳақиқат, фақат она сутини эмиб катта бўлган болаларда турли касалликлар 2,5 маротаба кам учрайди.

сутини тўйиб эммаган ёш болалар ўрғасида ўткир ичак ва нафас йўллари инфецияси, рахит, анемия, гипотрофия, аллергия касалликлари юқори бўлади. Авваллари ҳомиладорлик энг масъулиятли давра ҳисобланади. Она учун соғлом ҳаёт тарзи ниҳоятда зарур. Бунда айниқса турғи овқатларини бўлакак фарзанд учун ниҳоятда муҳимдир. Она саломатлигининг ёмонлашиши, касалликларга чалиниши, оғир иш бажарилиши, тез-тез асаб бузилиши, овқатланишга эътибор бермаслик—сут етишмаслигига олиб келадиган сабаблардан биридир. Ҳомиладор аёлларда мода алмашинуви 20—25 фоизга ортади. Шунинг учун бўлакак оналар овқати юқори сифатли, оқсил, ўсимлик ёғи, витамин ва минерал моддаларга бой, энгил ҳазм бўлиши керак. Албатта кундалик овқат таркибиде 500—600 грамм сут-қатиқ маҳсулотлари, 100 грамм творог, 30—40 грамм қаймоқсариёғ, 1 дона туҳум, 170—200 грамм гушт маҳсулотлари, 400—500 грамм сабзавотлар, 200—250 грамм ҳўл мевалар бўлмоғи зарур. Нон, бундой уни ва гуручдан тайёрланган маҳсулотлар ҳам фойдали. Одатда ҳомиладор аёлнинг вази 9—12 килограмм ўртача 10—12 килограмм ортши мумкин. Бола туғилгач она ва

эмизиш дозимлигини айтганлар. Ҳозирги кунда ҳам кўпгина шарҳ даялариде, шунингдек, ўрта Осиё ва Қозғонистон республикаларининг қишлоқ жойларида бу олат кенг тарқалган. Бизда қадимдан кўзи ёриган аёл хонадонда 40 кун чилла сақлаш урф-одати бор. Шунга кўра янги бўшанган она ва бола яшайдиган хонага бегона кишилар киритилмайди, уларга осо-йишталки ва алоҳида парварниш уюштирилади. Пайғамбаримиз алайҳиссаломнинг ҳадисларида ҳам аёлга оғир ишлар қилдирилмаслиги ва 40 кун давомида авайлаб асраш фарз дейилди. Она сутини сақлаш ва ҳимоя қилиш, шунингдек, тиббиёт ходимлари ва кенг жамоатчилиқнинг ҳам вази-фасидир. Тиббиёт ходимлари ушбу муаммага масъулият билан қарашлари, аёллар маслаҳатхоналари да, туғруқхоналарда ва он-и-ларда оналарни яхши аънаваларга ўргатишлари катта аҳамиятга эга. Шунингдек, мактабларда она сутининг моҳитига бағишланган дарслар ўттиш, адабиёт ва она тили дарсларида мазкур мавзуда ишро ва баёнлар ёзиш, юқори синф қизлари билан алоҳида суҳбатлар уюштириш фойдали. Янги келинлар ниқоҳдан ўтаётганларида тушунтириш, маслаҳатлар бериш қисқаси, ҳомиладор аёлларга алоҳида эътибор зарур. Шоанвар ШОМУРАДОВ, Шифоюрлар малакасини ошириш институти доценти.

РУБОБ СЕҲРИ



Анча йиллар муқаддам Сибирнинг Нефюганск шаҳрида Алишер Навоий номидаги ўзбек давлат академия опера ва балет театри театрининг Галия Измайлова бошчилиги қилдирган санъаткорлари бошиче кўрсатишга тайяли. Унга Франциядан келган муҳандислар ҳам таширф буюришди ва французча бирор кўй ёни қўшиқ икоро этиб беришларини сўрашди. Бу тақлиф барча санъаткорларини саросимага соғди. Шунда Хусанжон рубобини олиб саҳнага чиқди. Ҳеч фурсат ўтмай, залда машҳур француз бастакори Ж. Бизенин «Фаразлар» куйи янграй бошлади. Муслиқ оҳанги меҳмонлар кайфиятини кўтариб юборди. Куй тугани билан залда давомли қарсақлар янгради. Созанда гулдаста инъом этишди. Хусанжон Набиев яна куй қалди. Концертдан кейин меҳмонлар созандани ўраб олишди. Рубобни қўлларига олиб, шу кичкинагина муслиқ асоби француз куйини маромига келтириб янграганига ишониб-ишонмай ҳайрат ила томоша қилишди. Эртасига ҳам, кейинги кун ҳам улар театрга таширф буюриб, сеҳрли рубобда француз куйларини тинглашди. Шу воқеа сабаб Хусанжон Набиев французлар ҳам яхши таниб қолдишди. Созанда бугунгача улардан мактублар олиб туради. Хусанжон ҳаётида бундай қизиқарли чиқишлар кўп бўлган. У Глиэр номидаги муслиқ мактабиде ўқиб юрганда бир қанча хориний мамлакатлар ҳақлари куйларини ўрганиб олган эди. Бу борда устозлик қилган Бўриной Мирзахмедовдан беҳад миннатдор. Чунки катта куйларни чалишни ҳам у устоздан ўрганиди. М. Ашрафий номи Тошкент давлат консерваториясида ўқиниш ҳам унга Бўриной ака маслаҳат берди. Бу даргоҳда Ф. Василевдан рубоб синфи бўйича сабоқ олди. Истеъодли созанданинг катта театрга ишга келганига ҳам чорак аср бўлайтиш. Бу давр мубайида Россия, Украина ва Болтиқ бўйи мамлакатларида бўлиб, томоша-

бинлар олқишини қозонди. Эндиликда у академик театрининг ўзбек миллий чолғу асбоблар бўлимининг бадийи ва муслиқ раҳбаридир. Ҳамза номидаги ўзбекистон Давлат мукофоти соғирдори, халқ артисти Галия Измайлова у ҳақида шундай деди: — Хусанжоннинг биринчи куйини тинглагандаёқ маҳоратига тан берган эдим. У куй чалганда даззатланасан, киши. Созандани нафақат бизда, балки ушлаб жаҳон халқлари яхши билдилар. У ўзбек санъатини жаҳонга ёлган муслиқ усталиридан. Ҳақиқатан Хусанжоннинг қўлига тушган рубоб сеҳри жаранглайди. Бармоқлар тор узра ҳаранатланиб, дилрабо муслиқ янграйди ва у дилларни хушнуд этади. Д. МУРОДОВ.

ОИЛА ДАВЛАТИ, БАХТИ

Оила ва жамият муаммоси ўзинида ҳам, ҳозирда ҳам ўзининг долзарблигини билан алломаларини эътибордан четда қолмаган. Оиладе, хусусан жамиятда хотин-қизларнинг тутган ўрни беҳиссадир. Шарқнинг улғур шоири Саъдий Шерозиддин бига бой адабий мерос қолган. Унинг «Вустон», «Гулистон» асарлари ва девонлари севиб мутолаа қилинади. Шоир ўзининг доно панд-насиҳатлари, ўғитлари орқали жамиятдаги турли иллатлардан халос бўлишга, яхши фазилатни инсон бўлишга қўл ундаган. Кўп асарлар ўзининг қарамай, улғур шоир айтган фикрлар ҳозирги кунларда ҳам ўз қимматини йўқотмаган. Шу боис унинг «Вустон» асаридеги «Тайлим-тарбия хусусида» номи билан ағрим парчаларини эътиборингизга ҳавола этаск ўринли бўлади. Буларда аёллар масаласига жиқидий эътибор қаратилган бўлиб, уларнинг оилада хусусан жамиятда тутган ўрни ҳақида қизларди фикрлар баён қилинган:

таъкидлайди. Бундай фикрлар асарининг «Уйланг ва хотинлар тўғрисида» номи фақлида қалама олинган. «Яхши хотин — оиланинг давлати ва бахти. Унинг озодалиги ундан, уй эгасининг хотиржам ва осойишталиги ундан. Хусуси бўлса — кўнгул ёзини, хушмуомала бўлса — жон озадидир. Оқила бўлса рўзғорда тартиб-интизом бўлади, асбоб-анжомлар покиза ва саранжом туради. Киши бу қабил жуфти ҳалол билан қовушса, агар бундай бахтга эришса, ош ва кундафта сирдошга, шам кор ва пинҳоний дард-аламда ҳамнафас ва маҳрамга эга бўлади. Турмушда бошининг ҳар қандай жафо тушса, ҳамдардинг у; тескари айландуви фалақдан бошининг ҳар бало келса, кўмақдошинг у. Кўнглингда гади юзласанга, у ҳам гаминок; баданингда хасталик ва заифлик еттишса, унинг ҳам жони ҳалак». Ундай аёли бор эркакнинг оилада ҳам, кўча-кўйи ва хизматда ҳам қалди қос, боши осмон қадар. Аксинча, оиланинг парокандалиги жамиятнинг ҳам ривожига жиқидий зарар етказилади. Шунинг учун оилдаги етишмовчиликлар, қийинчилик ва келишмовчиликлар сабабонав билан бартараф этилмоғи лозим. Ҳаётда шундай оилалар ҳам борки, бу оилалардан фазилат ва қўт-баракат, аҳиллик ва тотувлик қочган бўлади. Улардан жамиятга на бирор наф, на бир фойда тегади. Ҳатто қўни-қўшни у ёнда турсин, қариндош-уруғлар ҳам тинчлиги у оила сабаб зурилади. «Аммо худо кўрсатмасин, номувофиқ хотин учраса, ўз уйингда ҳалокатли иллат пайдо бўлади. У беандиша, шаллақи бўлса, кўнгул ундан озор ва ёмонлик ахтарувчи бўлса, ундан руҳ азоб ченади. Тили аччиқ бўлса, барчаннинг дилини яралайди, покиза бўлмаса, ундан эрига юзи қоралик келади. Агар майҳўр бўлса, уй ободлиги йўқолади, ахлоқсиз бўлса, оила расво бўлади». Кимга ҳаётда яхши аёл йўлдощ бўлса бошига бахт қўшининг қўнгани шудир. Жамиятимиздаги ана шундай бахтли оилаларга шарафлар бўлсин. Ҳар бир оиладан фаёзу тароват аримасин!

Баҳодир ВАЛИЕВ, Алишер Навоий номидаги Давлат адабиёт музейининг илмий ходими.

Бир пиёла чай баҳона Дам олиш саҳифаси

БОШ ОҒРИҒИ ДАВОСИ

Абу Али ибн Сино ўзининг қадимлик фойдаларида уша замон табобатининг барча қўллангани усуллари — қон олиш, меъдани ювиш, паркез, синаш-уқалаш, жарроҳлик, сурма дорилар ердимида деловаш, ўсимлик ва ҳавоси маҳсулотларидан тиббий маҳсулотлар кенг фойдаланган. Булар инда шифобахш ўсимлик маҳсулотлари алоҳида аҳамият касб этади. Тибб қонуналарининг Ижидий содда дориларга бағишланган бўлиб, ушбу жиқда 810 хил дори ҳар тарафлама тахлил қилинган, шундан 612 хил ўсимлик маҳсулотларига тегаллуққидир. Шифобахш ўсимликлар ҳамма содда дориларнинг қарийб 76 фоизини ташкил этади.

Шотурсун УСМОНОВ, дорихунос.



Уч суҳув. Р. АКБАРАЛИЕВ олган сурат-лавҳа.

ларда Россия подшоши Николай II Бухоро амирига кичик электр станцияси соғва қилди. Орадан икки йил ўтгач, 50 киловатт-соат кучлинига эга бўлган бу станция ишга туширилади. У илк бор сарой хоналари ва ҳовли-теварак атрофини ёритади. Саройдаги қандиллар ҳам уша йиллари Россиядан олиб келинган. (ЎЗА).

Хотин бўлса яхши, пок, ақли расо, Гадо эрини ҳам этар подишо. Кўнгулга мувофиқ ёр топган маҳал, Эшигинг тағида қўш ногора чал. Гам дема гам ченсанг, агар уззукун, Кучоқда ғамгусор эринг бўлса тун, Ким агар топибиди дилни оромин, Жаҳонда шуд киши топибиди камин... Оила ва жамиятда аёлларнинг юксак мавқеи, тутган ўрни, ижтимоий ролини, сўз мўлдиринг судтони Алишер Навоий ҳам эътироф этган. Улғур мутафаккир ўз асарларида сеғви ва садоқатда, меҳр кўргазинида юксакликка кўтарилган аювиб хотин-қизлар сиймосини маҳорат билан яратган. Ширин, Лайли, Дилором, Меҳнубону, Меҳр, Меҳрнос ва бошқа наҳрамонлар шоирнинг аёлларга бўлган меҳр-муҳаббатининг маҳсулидир. Унинг «Маҳуб ул-кулуб» номи йирин насрий асариде ҳам оилада аёлларнинг оқила, фаросатли бўлиши жамиятнинг давлатнинг бахти эканлиги алоҳида ўқтирилган. Унинг осойишталиги, эрининг хотиржамлиги яхши хотин тўғайлидир, аксинча, феъли ёмон, тили аччиқ, беҳад аёллар оила ва жамиятда кўнглисиз воқеалар содир этадилар, деб

Бош муҳаррир Н. ЕҚУБОВ.

Ўзнома таҳрир ҳайъати: Н. ҚАЮМОВ, М. ИСЛОМОВ, М. МИРЗАЕВ, Ҳ. РАҲМАТЛИЕВ, М. ҚАЮМОВ (бош муҳаррир ўринбосари), С. САЙДАЛИЕВ (бош муҳаррир ўринбосари), О. ГОҒУРОВ (масъул котиб), Н. ОРИФЖОНОВ, К. РИХСИЕВ, Э. ИБРОҲИМОВ, Р. БОБОМУҲАМЕДОВ.

МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ҳўжалиги вазирилик, «Уз-плодоовощинпром» концерни, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирилик, «Қишлоқ ҳақиқати» журналистлари жамаоси.

МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 700083, ТОШКЕНТ, ЛЕНИНГРАД КЎЧАСИ, 32. ТЕЛЕФОНЛАР, Мухаррир ўринбосарлари — 33-44-43, 33-16-27. Масъул котиб — 33-09-93. Масъул котиб ўринбосарлари — 32-56-25. Дехқончилик бўлими — 32-56-35, 32-54-51, 33-09-93. Қайта ишлаш сонаоти бўлими — 32-56-31. Ижтимоий ҳаёт бўлими — 32-56-34. Чорвачилик бўлими — 32-56-22. Мелиорация ва қишлоқ қурилиши бўлими — 32-56-33. Маданият, адабиёт ва санъат бўлими — 32-56-36, 33-09-93. Ахборот ва спорт бўлими — 32-54-54. Шикоят, хат ва маъмурий органлар бўлими — 32-54-49, 32-54-52. Беғатиш бўлими — 32-58-79.

Рўйхатдан ўтиш тартиб № 000096. Буюртма Г—276. 31650 пусхада босилди, ҳажми 2 босма табақ. Офсет усулида босилган, қозғоз бичими А—2. Босишга топшириш вақти 21.00. Босишга топширилди — 20.00

Ўзбекистон Республикаси Президенти Маҳкамасининг Ишлар бошқармаси ҳузуридаги «Шарқ» нашриёт-матбаа концерни. Корхона маъили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй. 1 2 3 4 5 6